Тошкент ҳақиқати

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

1992 йил 24 октябрь • шанба

№ 149 (10.398). Баҳоси 2 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ПАХТАНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Етиштирилган пахта ҳосилини тезроқ йиғиб-териб олишда қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларини рағбатлантириш, моддий-техника ва энергетика ресурсларига ошиб кетган харажатларни қоплаш, шунингдек хўжаликларнинг иқтисодиётини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. 1992 йилги ҳосилдан бошлаб давлат буюртмаси ҳисобидан давлатга сотиладиган пахтанинг амалдаги харид нархлари 1,5 баравар оширилсин (хўжаликлар пахта тайёрлаш режасидаги маҳсулотнинг 15 фоизини ва режадан ташқари пахта ҳажмини эркин шартномавий нархларда сотадилар).

2. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу фармоннинг 1-бандига мувофиқ пахта заводларининг сотилган пахта учун хўжаликлар билан ҳисоб-китоб қилиш тартибини ишлаб чиқсин. Бунда даромадлар холисона тақсимланиши кўзда тутилиб, молиявий қоидалар бузилишига ва суиистеъмолларга йўл қўйилмасин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги пахтанинг янги харид нархлари ҳамда пахта толасининг улгуржи нархлари прейскурантларини ишлаб чиқиб, тегишли вазирликлар ва идораларга етказсин.

Ўзбекистон Республикаси нинг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 22 октябрь.

«ПАХТАНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА

ШАРҲ

Пахтачилик Республика қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи эканлиги ҳаммага маълум ва бу тан олингандир. Зотан, қишлоқ меҳнатчиларимиз турмушининг фаровонлиги шу соҳадаги ишларнинг аҳволига ҳал қилувчи даражада боғлиқ.

Жорий қишлоқ хўжалик йили ниҳоятда оғир келди. Биринчидан, баҳорги ноқулай об-ҳаво шароитлари талайгина майдонлардаги чигитни анча кеч муддатларда қайтадан экишни тақозо этди, серёмғир келган куз эса ҳосилни энг мақбул қисқа муддатларда ва энг кам сарф-харажатлар билан йиғиб-териб олиш суръатларига жиддий таъсир қилди. Иккинчидан, республикага олиб келинаётган энергия манбаларининг нархлари бир неча баробар ўсгани, моддий-техника ресурслари ҳамда машина-ускуналар қимматлашгани пахта етиштириш ва тайёрлаш сарф-харажатларини ҳам худди шундай ошириб юборди. Ва, ниҳоят, учинчидан, товарлар ва маҳсулотга нархлар эркин белгиланаётгани қишлоқ меҳнаткашларининг иш ҳақи ўз вақтида, баъзан эса олдиндан оширилиши ҳамда аҳолининг иш ҳақи муайян тоифаларига қонунда кўзда тутилган имтиёзлар берилиши таъминланишини талаб қилди.

Мана шуларнинг ҳаммасини эътиборга олиб, Республика Президенти ва ҳукумати жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодиётини мустаҳкамлаш, қишлоқ аҳлимизнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш юзасидан йил мобайнида бир қанча аниқ чора-тадбирларни амалга оширдилар. Чунончи, қишлоқ хўжалигида қўшимча қийматдан олинадиган солиқни бекор қилишнинг ўзигина қишлоққа 23 миллиард сўмни тежаб қолиш имконини берди. Шу йилнинг март ойида пахтанинг харид нархлари қайта кўриб чиқилиб, 1991 йилга нисбатан ўрта ҳисобда 6 баравар оширилди, деҳқончилик маҳсулотлари бошқа барча турларининг харид нархлари ҳам бир неча марта қайтадан кўриб чиқилиб, кўпайтириб борилди. Бундан ташқари электр қувватидан, кўмир ва табиий газдан фойдаланганлик учун ўзаро ҳисоб-китоблар чоғида хўжаликларга имтиёзлар берилди. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, республикада қишлоқ хўжалиги барча турдаги солиқлардан озод қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат буюртмаси ҳисобидан давлатга сотиладиган пахтанинг харид нархларини 1,5 баравар ошириш тўғрисидаги фармони — шу йўлда қўйилган навбатдаги қадамдир.

Харид нархларининг оширилиши хўжаликларга салкам 30 миллиард сўм миқдорида қўшимча даромад олиш имконини беради. Бу маблағлар умуман қишлоқ меҳнаткашларининг иш ҳақини сўзсиз оширишгагина сарфланиб қолмай, шу билан бирга Ўзбекистонда энг оз миқдори 2000 сўм қилиб белгиланган иш ҳақи тўланишини таъминлашга ҳам сарфланади. Энг муҳими эса у республикадаги пахтакор хўжаликларнинг ғоят мақбул тарздаги рентабеллигини таъминлаши лозим.

Бунда шуни назарда тутиш муҳимки, хўжаликлар буюртма берилган ҳажмнинг 15 фоизини ва режадан ташқари пахтанинг ҳаммасини эркин бозор нархларида сотадилар. Бу эса ўз навбатида хўжаликлар ва қишлоқ меҳнатчилари даромадининг қўшимча манбаидир.

Давлат кечиктириб бўлмайдиган бундай чора-тадбирларни онгли равишда амалга оширяпти. Бу чора-тадбирлар етиштирилган пахта ҳосилини тезроқ йиғиб-териб олишда қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларини моддий жиҳатдан рағбатлантиришни ҳамда республика хўжаликларининг иқтисодиётини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларни яратишни таъминлаши лозим.

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ

«УЗДЭУМОТРС» ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ва Жанубий Кореянинг «Дэу» корпорацияси ўртасида «Уздэумотрс» қўшма фирмаси ташкил этилиб, шартномалар имзоланди. Шу хусусда журналистлар билан учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ва автомобиль машинасозлиги давлат концерни раиси, қўшма корхона бошқарувининг аъзоси Анвар Юсупов имзоланган ҳужжатларнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб берди.

— Республика Президенти Ислом Каримов Кореяда бўлган чоғида,— деди у,— «Дэу» корпорацияси билан биргаликда автомашиналар ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олинган эди. Бу ҳақдаги илк шартнома кучга кирди. Андижоннинг Асака шаҳрида қуриладиган қўшма корхонанинг дастлабки смета ва лойиҳа ишлари бошлаб юборилди. Қўшма корхона ишга тушгунга қадар «Дэу» корпорацияси шартнома бўйича Ўзбекистонга ҳар бири 4000 доллар турадиган 3000 та «Дамас» ва «Лабо» енгил машиналарини етказиб беради.

(ЎзА).

● **ДАЛАЛАРДА йиғим-терим қизғин паллага кирди. Хирмонлар кундан-кунга юксалмоқда. Бекобод районидаги «Навбаҳор» давлат хўжалиги пахтакорлари бу йил 1850 тонна «оқ олтин» етиштириш нияти да меҳнат қилдилар. Ҳосил пишиб етилди. Айни кунларда жадал суръатлар билан йиғиб-териб олинмоқда. Суратда: илғор теримчи Шоира Зокирова.**

Суратқаш А. ЗУФАРОВ
(ЎзА).

Жамғарма таъсис конференцияси

22 октябрь куни Тошкентда Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат котиби Р. Ражабов очди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров «Маҳалла» хайрия жамғармасининг шаклланиши маҳаллалар аҳолисига ғамхўрлик, инсонпарварликнинг ёрқин намунасидир», ташаббускор гуруҳ раҳбари Шукур Темуров «Маҳалла» хайрия жамғармаси низоми» мавзуларида маъруза қилишди.

Шундан сўнг сўз олган нотиқлар Республика Президенти Фармони билан ташкил этилган бу хайрия жамғармаси маҳаллаларнинг янада равнақ топишига катта ҳисса қўшади, деб таъкидладилар. Ҳозирнинг ўзида жамғарма ҳисобига 50 миллион сўмдан ортиқ маблағ ўтказилгани маълум қилинди. Жамғарманинг маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар, етимлар ва боқувчисиз қолган қариялар, ногиронлар ва ёрдамга муҳтож барча кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, қадриятларни тиклаш, кишилар ўртасида меҳр-мурувватли, оқибатли бўлишдек фазилатларни янада улғайтириш муддаосини зиммасига олгани, ободончиликка ҳам ҳиссаси катта бўлишини таъкидладилар.

Кўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди. «Маҳалла» хайрия жамғармасининг 59 кишидан иборат бошқарув органи сайланди. Йиғилганлар Республика Президенти Ислом Каримовни якдиллик билан жамғарманинг фахрий Президенти, Ш. Темуровни жамғарма раиси этиб сайладилар.

Таъсис конференцияси қатнашчилари республика маҳалла оқсоқоллари ва аҳлига мурожаатнома қабул қилдилар.

Конференция ишида Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков қатнашди.

Шу куни жамғарманинг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Унда «Маҳалла» хайрия жамғармасининг 13 кишидан иборат бошқаруви сайланди.

(ЎзА).



КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ



Душанба, 26. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Сенсан севарим». Дилрабо концерт.
8.05 «Фидойилик». Бадиий фильм.
10.00 «Табиатни асранг». Кинопрограмма.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Қаттиқ жисмларнинг хоссалари.
11.00 «Сув кетар — тош қолар». Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Жуғрофия. Ўрта Осиё иқлимининг асосий хусусиятлари.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Инжиқ малика», «Қингғир ишнинг қийиғи». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Кичкинтой устахонаси».
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Шоличилик истиқболи».
19.45 «Мусиқий учрашувлар». Бастакор Анор Назаровнинг ижодий кечаси.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Алишер Навойи. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 1-қисм.
22.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.45 «Футбол майдонларида».
00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ассалому алайкум».
19.30 Болалар учун. «Совға».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Номлар — маънавият белгиси».
20.40 «Билиб қўйган яхши».
20.55 «Миришкорлар».
21.25 «Ўзингни эр билсанг».
22.10 «Лаҳза». Хабарлар.
22.20 «Қора ўқ». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5,55, 11.55 18.20 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 «Якунлар».
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Ҳибсхона»- Бадиий фильм.
10.30 Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви. «Очиқ ҳаводаги суҳбат». 3-қисм —Ю. Левитанский.
11.30 «Рус қўшиғи». Телефильм.
12.00 Янгиликлар.
* * *
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.20 «Телемикст».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Уолт Дисней таништиради...».
17.00 Болалар телевидениеси ассоциацияси. «Мистер Бильбо Беггинс-Хоббитнинг афсонавий саёҳати».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «НЭП».
18.55 «Иқболи кулганда».
19.35 Волейбол. Россия чемпионати. Эркаклар. АСК (Ростов-Дон) — «Самотлор».
20.05 «Китобхона».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Спорт уик-энди».
21.40 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телефильм премьераси. 5-серия.
«Янги студия» таништиради:
22.10 «Бомонд».
22.25 «Бироқ».
22.35 «Вазият».
23.05 «Евгеник ва..».
23.10 «Биз».
23.15 «Бим-бом».
00.35 «Мегамикс». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
01.05 Футбол шарҳи.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Мутлақо маҳфий.
9.45 Ишчан давра.
10.05 «Сиз яратган боғ».
10.35 «Бола тилидан...».
11.05 Мульти-пульти. «Бимини».
11.25 «Ҳалфана».
11.55 Кундузги сеанс. «Майда ҳарфлар билан икки сатр». Бадиий фильм.
13.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
* * *
15.40 «Бурда моден» таклиф этади...
16.10 «Смирновлар оиласи. Бундан буён қандай яшаш керак!». Австрия телефильми муҳокамаси.
16.25 Трансросэфир.
17.10 Янгиликлар.
17.25 «Катта давра».
17.45 «Ҳар бир кун байрам».
17.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 Ҳужжатли фильм.
18.30 Хабарлар.
18.45 Болалар даврасида.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.50 Душанба куни детектив. «Қирққулоқ сояси». Бадиий фильм.
20.25 «Эҳтирослар, эҳтиростар...».
20.45 «Ёзнинг 96 соати». Вильнюс-92» эстрада қўшиқлари халқаро фестивалидан репортаж.
21.25 Криминал хабарлар экрани.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.35 «Эртанги кун бугундан бошланади».
21.55 Туркия манзаралари.
22.00 Хабарлар.
22.20 «Эҳ, қўшниси тушмагурлар!».
22.45 «Турникет» мусобақалари
23.30 Аёллар салони.

Сешанба, 27. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Алишер Навойи. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 1-қисм.
8.40 «Бухороча эртак». Фильм-концерт.
9.15 Турк тили.
9.45 «Петербурглик чиновник». Бадиий фильм.
11.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Рўзғор ташвишлари».
11.45 Камер оркестрининг концерти.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Типратикан, лайча ва Нико исмли бола». Мультфильм.
18.25 «Фан ва деҳқончилик».
18.55 «Спортлото».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Эл фарзанди». Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига.
19.50 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 Алишер Навойи. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 2-қисм.
22.45 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
23.15 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Омад».
00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Кинокўзгуда ҳаёт».
19.30 «Алоқалар ва шартномалар».
20.00 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
21.10 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 18.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.05 «Ҳайвонот оламида».
10.55 Мультфильм.
11.00 Футбол шарҳи.
11.30 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телефильм. 5-серия.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Ўн икки стул». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
13.25 «Премьера». Бадиий фильм.
*
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».
15.40 «Адам Смит бойлиги дучёси».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Уолт Дисней таништиради...».
17.05 «Бизнинг мусиқий клуб».
17.50 «Технодром». Оригинал ғоялар ва фойдали майдачуйда нарсалар ҳақида.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Чол қандай қилиб сигирини сотди!». Мультфильм.
18.30 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
19.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Миниатюра».
20.00 «Мавзу».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. («Ўзбекфильм»).
22.45 Волейбол. Россия чемпионати. Эркаклар. «Самотлор» — «МГТУ».
23.30 «Ҳарбий ревю».
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Телеёдномалар».
01.10 «Бир боқишда муҳаббат». 1-кун.
01.45 «Ўн икки стул». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Ҳақиқат онлари».
9.45 Ишдан бўш пайтингизда.
10.00 «Гап-гаштакларни қўмсаб».
10.30 «Оқ қарға».
11.15 «Ёзнинг 96 соати».
11.45 «Эҳтиростар, эҳтиростар...».
12.00 Кундузги сеанс. «Кучук етаклаган хоним». Бадиий фильм.
13.25 Мульти-пульти.
13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.00 Россия Конституцион суди залидан.
* * *
15.45 Телебиржа.
16.15 Мульти-пульти. «А+Б».
16.25 «Бадабоки». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция).
16.45 Янгиликлар.
17.00 Трансросэфир. «Овропа — Осиё».
17.45 «Ҳар бир кун байрам».
17.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 «Амалий санъат». Ҳужжатли фильм.
18.30 Хабарлар.
18.45 Халқ рақслари.
19.00 «Серташвиш оила».
19.30 Хабарлар.
19.50 «Сезам» кўчаси.
20.20 «Қўшиқлар китоби».
21.05 «Хазонрезгилик».
21.55 Туркия манзаралари.
22.00 Хабарлар.
22.20 Ҳужжатли фильм.
22.45 «Хонанда».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.55 «Фортуна» телеканали. «Юлдузлар намойиши». 2-кўрсатув.

Чоршанба, 28. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Алишер Навойи. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 2-қисм.
8.40 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 1-серия.
9.55 Болалар учун. «Ёрилтош».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника. Қишлоқ хўжалик ўсимликларининг биологик аҳамияти.
11.00 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ғаройиб манеж». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Соғлиқ».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Эл тинчлиги йўлида».
19.55 «Мен сизни суюбман». Мусиқий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси— умумхалқ муҳокамасида.
21.30 Алишер Навойи. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 3-қисм.
22.45 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
23.15 «Экран таништиради...».
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...» Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Спринт».
19.40 «Ишбилармонлар».
20.25 «Уй-жойларни хусусийлаштириш».
21.15 «Суперспорт».
22.10 «02» тўлқинида.
22.30 «Эсдалик учун дастхат».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 00.55— Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.50 «Бизнинг мусиқий клуб».
11.30 «Знёратчилар». Телефильм.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Ўн икки стул». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.25 «Анна Линса». Телевизион бадиий фильм (Финляндия телевидениеси).
*
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Уолт Дисней таништиради...».
17.05 «Орзу-умид». Етим болалар учун хайрия концерти.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Кировлик моҳир қўллар». Телефильм.
18.35 «Туркия телевидениесининг оқшоми».
19.10 Г. Свиридов. «Кичик триптих».
19.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
20.05 «Веди».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 Туркия телевидениесининг оқшоми. «Бетартиб ётоқ», Бадиий фильм премьераси.
22.50 Волейбол. Россия чемпионати. Эркаклар. «Динамо» (Москва вилояти) — «Самотлор».
23.25 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Россия — Люксембург терма командалари. В. И. Ленин номидаги Марказий ўйингоҳдан олиб кўрсатилади. 2-тайм.
00.20 Янгиликлар.
01.00 «Бир боқишда муҳаббат». 2-кун.
01.35 «Ўн икки стул». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 Ишчан давра.
9.50 «Тилла шпора».
10.20 Мульти-пульти. «Қандай қилиб типратикан ва айиқча осмонни алмаштиришди!».
10.30 «Фортуна» телеканали. «Юлдузлар намойиши».
12.00 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 91-серия.
12.50 «Ер ва сувнинг монандлиги».
13.05 «Мегаполис».
13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.00 Россия Конституцион суди залидан.
* * *
15.30 «Терминал». Компьютер графикаси бўйича халқаро конференциядан репортаж.
16.00 Янгиликлар.
16.15 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
17.00 «Ўхшаш дунёлар».
17.45 «Ҳар бир кун байрам».
17.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 «Мемнуне миллиардер».
18.30 Хабарлар.
18.45 Болалар даврасида.
18.50 «Қора денгиз». Ҳужжатли фильм.
19.30 Хабарлар.
19.50 «Сезам» кўчаси.
20.20 Концерт.
20.40 Ҳужжатли фильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.50 Спорт кўрсатуви.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Оппозиция».
21.45 Бугун Россия Федерацияси Олий Кенгашида.
22.00 Хабарлар.
22.25 Россия Конституцион суди залидан.
22.55 Камера ўтмишни тадқиқ этади. «Охирзамон ҳақида янги маълумотлар». Ҳужжатли фильм.

Пайшанба, 29. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Алишер Навойи. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 3-қисм.
8.40 «Мўъжизакор гўзаллик сири». Телефильм.
9.05 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 2-серия.
10.15 Араб тили.
10.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мактаб саҳнаси».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бир томчи», «Тонгги қўшиқ». Мультфильмлар.
18.30 «Галла — ризқ-рўзимиз».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ғилон». Телефильм.
19.30 «Анъаналар этади давом...».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Дўстлик ришталари». Туркия Республикасининг Мустақиллиги кунига бағишланади.
21.30 Санъат усталари ижросида концерт.
22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. Олий лига. «Пахтакор» — «Темирйўлчи» (Қўқон). «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан кўрсатилади (ёзиб олинган).
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.00 «Билим сарчашмалари».
19.30 «Иқтисодчилар мактаби».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.

(Давоми 7-бетда).

СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН !

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

Тошкент вилояти ҳокими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 29 июндаги «Табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни нормадагидан кўп чиқарганлик (ташлаганлик) ва чиқитларни жойлаштирганлик учун ҳақ тўлашни жорий қилиш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилди. Шу қарорга мувофиқ табиатни булғатадиган моддаларни нормадагидан ортиқча чиқарганлик (ташлаганлик) ва чиқитларни жойлаштирганлик учун ундириладиган пул Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси ҳисобига ўтказилади ҳамда ушбу жамғарма низомига мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ишларга сарфланади. Бу маблағнинг 20 фоизини табиатни муҳофаза қилиш Тошкент вилояти қўмитаси бюджети ҳисобига ўтказилади ҳамда ушбу жамғарма низомига мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ишларга сарфланади.

Табиатни булғатадиган моддаларни атроф-муҳитга нормадагидан ортиқча чиқаргани (ташлагани) ва чиқитларни жойлаштирганлиги учун ҳақ тўлаш жорий қилинаётганлиги муносабати билан бу борада Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан илгари тасдиқланган ва вақтинча келишилган чиқиндилар рухсати (ВСВ) ва (ВСС) бўйича тузилган муваққат битимлар бекор қилинади.

— Кел, дўст бўламиз.

С. ВЕЛИЧКИН сурати.

ҲАМОН ТАШВИШ ТУҒДИРМОҚДА

БЕКОБОД йирик саноат шаҳри. Бу ерда республикамиздагина эмас, ҳатто, Ўрта Осиёда ягона металлургия заводи жойлашган. У бинокорлик саноати корхоналари билан ҳам машҳур. Бундан ташқари анчагина ривожланган автотранспорт саройлари ишлаб турипти. Айни вақтда улар атмосфера ҳавосини, сув ҳавзаларини ифлослантирувчи манбалар ҳам ҳисобланади.

Бу корхона-ташкилотлар атроф-муҳитга турли чиқиндилар, уларнинг орасида заҳарлилари анча кўп, чиқарадилар. Умуман олганда бундай зарарли моддаларни атрофга таратиш миқдори нормада белгиланганидан анча кўп бўлмоқда. Бу ҳақли равишда аҳолининг норозилигига олиб келаяпти. Чунки турли чиқиндиларнинг сув ва ҳавода кўп бўлиши ҳар хил касалликларнинг келиб чиқишига, аҳоли саломатлиги ёмонлашишига сабаб бўлади. Корхоналарни қуришда табиатни муҳофаза қилиш муаммоларининг ҳисобга олинмаганлиги, яъни турғунлик давридан мерос бўлиб қолган бу иллат эндиликда катта ташвиш туғдирмоқда. Экология соҳасидаги бу нуқсонни бартараф этиш давр талаби бўлиб қолди.

Шунинг учун ҳам бу саноат шаҳрида экология муаммоси ва уни ҳал қилиш масаласи вилоят табиатни муҳофаза қилиш комитети коллегиясининг бу ерда ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди. Унда вилоятимиздаги барча шаҳарлар ва районлар табиатни муҳофаза қилиш комитетлари раислари, қатор вилоят ташкилотлари, жумладан, прокуратура ва санитария-эпидемиология станцияси раҳбарлари, мутахассислар, шаҳардаги саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари вакиллари қатнашдилар.

Шаҳар корхоналари ва ташкилотларида экологик аҳволни яхшилаш юзасидан муайян иш олиб борилмоқда. Кейинги беш йилликни олсак бу яққол сезилади. Шу даврда атмосферага, сув ҳавзаларига ишлаб чиқариш чиқиндиларини чиқариш сезиларли даражада камайди. Бу муҳим соҳадаги аҳволни яхшилашга қаратилган анчагина тадбирлар амалга оширилди.

Шунга қарамай ҳозирги вақтда шаҳар бўйича ҳавога чиқарилаётган зарарли чиқиндилар ҳажми ўн саккиз минг тоннадан ошиқроқни ташкил этмоқда. Унинг асосий қисми металлургия заводи, цемент комбинати, норуда материаллар комбинатига тўғри келади. Лекин бу корхоналар раҳбарлиги қўлни қовуштириб ўтирипти, деб бўлмайди. Имконият даражасида чора-тадбирлар қўришяпти. Кўп жиҳатдан шу икки йирик корхона жамоасининг саъй-ҳаракатлари туфайли атроф-муҳитни ифлослантиришни камайтиришга қаратилган режалар тўла ва ошириб адо этилмоқда. Чунончи, ўтган йили режани бажаришда яхши натижага эришилди. Кўпчилик зарарли моддаларни ҳавога чиқариш, оқаваларни сув ҳавзаларига оқизиш сезиларли камайди. Биргина атмосферани булғатаётган моддалар ҳажми уч ярим минг тонна озайди. Бунинг учун ўнларча миллион сўмлик маблағ сарфланди. «Чермет» фирмасининг ташкил этилиши ҳам яхши бўлди. У шлакларни қайта ишлашни йўлга қўйди. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида хам режаларнинг бажарилиши чакки эмас.

Лекин «Бекобод шаҳридаги аҳвол ва уни соғломлаштириш ҳақида» маъруза қилган шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети раиси Э. Раҳматов ва музокараларда қатнашган нотиқлар кўпроқ бу муҳим соҳадаги камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари ҳақида гапирдилар, фикрмулоҳазалар билан ўртоқлашдилар.

Шаҳар экологиясининг ёмонлашишида автотранспортнинг ҳам «хизмати» катта бўлмоқда. Айниқса, ўткинчи машиналар кўпроқ ифлослантирмоқда. Шунинг учун шаҳардан ўтадиган машиналар учун айланма йўл қурилиши ҳақидаги масалани ҳал қилиш вақти келди. Мавжуд канализация тармоқлари ҳам талабга жавоб бермайди. Ҳатто шундай даҳалар, мавзелар борки, уларда бундай иншоот қурилмаган. Рўзғор чиқиндиларини оқар сувларга, майдонларга ташлашга мажбур бўлмоқда аҳоли. Ахлатхоналар етарли эмас, шаҳарнинг ҳар бир бурчагида унинг уюмлари ётипти, бу билан шаҳар қиёфаси бузилмоқда.

Бунинг устига ишлаб чиқариш чиқиндиларини атмосферага, оқаваларни сув ҳавзаларига чиқаришда бирор соҳа бўйича норма даражасига етилмаган. Ҳамма моддалар бир неча, ҳатто бешўн бараварлаб кўп тарқатилмоқда. Корхоналарнинг айрим цехларида заҳарли тутун тўпланиб қолмоқда. Вентиляция қурилмалари, сув тозалаш иншоотлари етарли эмас, айни вақтда борларининг ҳаммаси ҳам қуввати даражасида ишламаяпти. Улар эскирган, тез-тез бузилиб туради. Оқибатда Сирдарёнинг суви Бекободдан кейин анча ифлос бўлиб кетмоқда.

— Заводимизда экологик аҳволни яхшилаш ишларига астойдил киришганимизга ҳам анча бўлди,— деди цемент комбинати директори А. Фармонов ўз шаънига айтилган танқидий фикрларни тан олди. Лекин корхонада экологик аҳволни яъшилашга қаратилган барча ишлар дастури ишлаб чиқилгани, ундан белгиланган тадбирларни вақтида амалга ошириш учун ҳамма имкониятлар ишга солинаётганлиги, шунга қарамай комбинат ҳамон атрофмуҳитни ифлослантирувчи йирик манба бўлиб қолаётганлигини айтди.

Музокараларда металлургия заводи директори А. Анохин, темир-бетон буюмлари ва норуда материаллар комбинати директори Б. Абдуллаев, норуда материаллар заводининг бош муҳандиси И. Аҳмедов, шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш. Бобоевлар қатнашдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат комитети раиси А. Хабибуллаев, вилоят табиатни муҳофаза қилиш комитети раиси Т. Эргашевлар сўзга чиқдилар. Унда Бекобод шаҳар ҳокими Э. Рўзиев қатнашди.

М. МИРҲАМИДОВ.



МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

МАКТАБ ВА АТРОФ-МУҲИТ

ФАН-ТЕХНИКА тараққиёти, саноат ва транспортнинг тез ривожланиши, аҳолининг кўпайиши, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг кимёлаштирилиши бир томондан табиий ресурслардан самаралироқ фойдаланишга имкон берса, иккинчи томондан атроф-муҳитга салбий таъсир этиб, унинг табиий ҳолати бузилишига олиб келмоқда.

Шунинг учун ҳам мактаб ўқувчиларига ҳар бир фан бўйича чуқур билим бера олсак, ёш авлодда табиатни севишга ва уни авайлаб-асрашга, биология ва химия фанларига меҳр уйғота олсак айни муддао бўларди.

Мактабларда табиатни муҳофаза қилиш ғояси бутун ўқув фанларига сингиб кетиши, бу эса ўқувчиларнинг илмий, маданий даражасини, экологик савиясини оширишга, уларнинг табиатга бўлган муносабатини тубдан яхшилашга ёрдам бериши лозим.

Маълумки, кимё экологияга салбий таъсир қилади. Бундан умуман тўла воз кечиш керак деган хулосага келиш мумкин эмас. Чунки ҳозирги замон халқ хўжалигининг тараққиётини кимёсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кимё саноатда, қишлоқ хўжалигида, тиббиётда ва халқ хўжалигининг жуда кўп бошқа тармоқларида кенг ишлатилади. Бироқ кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш тўғри йўлга қўйилмаса халқ хўжалиги зарар кўриши ва экологиянинг бузилишига олиб келиши мумкин.

Бу салбий ҳолат рўй бермаслиги учун кимё фанини биринчи навбатда ёш авлодга тўғри ва чуқур ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун назарий билимлар билан бирга амалий машғулотларни оқилона йўлга қўйиш керак. Лекин шуни айтиш керакки, мактабларда кимё асосан назарий жиҳатдан ўқитилади, амалий машғулотлар эса кўпинча ўтказилмайди. Керакли моддалар, асбоб-ускуналарнинг бутунлай йўқлиги, етишмаслиги ҳам бунга сабаб бўлаяпти. Бу ҳақда жуда кўп гапирилади, лекин силжиш секинлик билан бормоқда. Кимё дарси амалий машғулотлар билан узвий қўшиб олиб борилганда ўқувчиларда бу фанга бўлган қизиқиш ҳамда бу фан тўғрисида тўғри мулоҳазалар юритиш, фикрлаш қобилияти юқори бўлади.

Р. НУЛДОШЕВА,
вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг ЭҲМ ва табиатшунослик кафедраси доценти.

24 октябрь, 1992 йил ● № 149 (10.398). Тошкент ҳақиқати 5-бет

БИР МУАММОНИНГ ИККИ ТОМОНИ

ПОЙТАХТ вилояти, айниқса, унинг Ангрен-Олмалиқ воҳаси экологик жиҳатдан республикамизнинг энг ташвишли минтақаси ҳисобланади. Бошқа регионларнинг бирортаси атроф-муҳитга таъсир қилиш миқёслари бўйича унга тенглаша олмайди. Шуни ҳисобга олиб, бу ерда жойлашган шаҳарлар ва туманлар ҳокимиятлари, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва ҳўжаликлар ифлослантиришнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни муайян даражада амалга оширмоқдалар. Натижада зарарли моддаларнинг атмосферага, оқаваларнинг сув ҳавзаларига қўшилиши камайиб бормоқда, лекин кўрилаётган бундай чоралар, умуман олганда, кутилган натижаларни бераётгани йўқ.

Бу ердаги саноат шаҳарларида табиатни бузлатиш кенг кўламда давом этмоқда. Биргина Олмалиқ шаҳри саноат корхоналари ва автомобиль транспорти ҳар йили 167 минг тонна зарарли моддаларни атмосферага чиқармоқда. Бу шу ерда яшовчи аҳоли жон бошига тақсимланганда бир тоннадан кўпроқни ташкил этади, демакдир. Бунинг устига Оҳангарон, Нуробод, Ангрен шаҳарлари корхоналари чиқиндилари ҳам регион атмосферасининг софлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам бу ердаги экологик аҳвол Республика табиатини муҳофаза қилиш Давлат комитетида ҳам катта ташвиш туғдирмоқда ва у мунтазам кузатилянти.

Бу районда экологик аҳволни яхшилаш учун кенг кампровли ишларни амалга ошириш лозим. Бизнингча, тўпланиб қолган ишлаб чиқариш чиқиндиларига икки томонлама ёндошиш керак. Бир томондан бу чиқиндилар атроф муҳитни ифлослантирянти. Бу аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Чиқиндилар омборлари, шлаклар тўпланадиган жойлар ҳатто етарли даражада ихота қилинмаган. Қор-ёмғир оқибатида эриб ерости сувларини, ҳавони ва тупроқни заҳарламоқда. Бунга хотима бериш учун корхоналар биринчи навбатда тозалаш иншоотларини қуришни жадаллаштиришлари лозим. Бу ишнинг мураккаблигига ҳамон панжа орасидан қараётган раҳбарларни эса қаттиқ жавобгарликка тортиш вақти келди.

Айни вақтда биз бу муҳим муаммонинг иккинчи томони билан ҳам фаол шуғулланишимиз лозим. Гап чиқиндилар таркибида бўлган фойдали, қимматли моддалардан фойдаланиш тўғрисида бормоқда. Бу иш эса ҳали жуда сўст йўлга қўйилган. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида йиғилиб қолган саноат чиқиндиларидаги турли маъдан лар ва кимёвий моддаларни қайта ишлаш ишлари олиб борилмоқда. Буни табриклаш керак. Бироқ унинг миқёслари ҳали талабга жавоб бермайди. Шунинг учун чиқиндиларни қайта ишлашни муттасил кенгайтириб бориш даркор. Чунки улардан халқ хўжалиги учун зарур бўлган жуда кўп маъданларни ажратиб олиш мумкин.

Химия заводи раҳбарлиги эса ўз ишлаб чиқариши чиқиндиларини қайта ишлаш масаласи билан лозим даражада шуғулланмаяпти. Ваҳоланки, унинг чиқиндиси бўлган фосфогипс 50 миллион тоннага яқинлашиб қолди. У 200 гектар майдонни эгаллаб ётибти. У айни вақтда қимматли хом ашёдир. Завод раҳбарлиги уни қайта ишлаш учун қўл келадиган технологияни ишлаб чиқиш ҳақида ўйлаб кўрса айни муддао бўлур эди.

«ТАБИАТ ВА ИНСОН»ГА КЕЛГАН ХАТЛАРДАН

Вилоятдаги қатор корхоналар ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлашга киришдилар. Бу қувончли бир ҳолдир. Масалан, Чирчиқ шаҳридаги «Блиц», «Модус» кичик корхоналари ёғоч-тахта, полиэтилен пленкаси, капролактам ишлаб чиқариши чиқиндиларидан манзарали бинокордлик плиталари, металл конструкциялар учун занглашдан сақлагичлар, бетон конструкциялари ишлаб чиқармоқдалар. «Карбо» фирмаси бензой кислотаси қолдиғидан бензонат аммоний, бензой кислотаси ва бошқа шу каби қимматли моддаларни ажратиб олмоқда. Бу қимматли ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим.

Ишимизнинг яна бир муҳим томони — турли чиқиндилар билан ерларни қайта фойдаланишга киритишдир. Бу масала билан биз амалда деярли шуғулланмадик. Карьерларимиз жуда кўпайиб кетди. Биргина Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг ишлаб чиқариш фаолияти оқибатида 4408 гектар ернинг ҳолати бузилди. Шунга қарамай комбинат раҳбарлиги бу ерларни қайтадан яроқли қилиш учун кўлланилиши мумкин бўлган техникавий ечимларни ишлаб чиқаначча йўқ. Ваҳоланки, бу ерларни қайтадан фойдаланишга киритиб, уларда боғ-роғлар, экин майдонлари ташкил этиш мумкин. Бу масала ҳам доим диққат-эътиборни талаб қилмоғи даркор.

Табиатни муҳофаза қилиш комитетлари чиқиндисиз ишлаб чиқаришларни барпо этишни доим кўллаб-қувватлаб келди. Ҳар бир корхона пировард маҳсулот ишлаб чиқарадиган бўлиши лозим. Шундай бўлмаса заррин кўп бўлади. Бунга Чирчиқдаги капролактамни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Унинг ишлаш учун биз ҳом ашёни бошқа регионлардан харид қиламиз. Ишлаб чиқариш чиқиндиларини эса шу ернинг ўзида қолади. Ярим тайёр маҳсулотни эса ҳом ашё сифатида пировард ишлов бериш учун бошқа республикалардаги корхоналарга юборамиз. Қисқаси капролактам ишлаб чиқаришида тайёр маҳсулот ололмаймиз. Бунга ҳотима бериш лозим.

Ишлаб чиқаришни шундай ривожлантириш керакки, унда тайёр маҳсулотни чиқариш мумкин бўлсин. Бу иқтисодий жиҳатдан фойдалидир. Меҳнат жамоаси учун рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Республикамиз мустақил давлат бўлиб қолган ҳозирги вақтда бундай масалаларни ўзимиз ҳал қилишимиз лозим.

Корхонанинг, ҳўжаликнинг экологик аҳволини яхшилаш ҳақида қайғуриш меҳнат жамоалари, аҳоли ҳақида ғамхўрлик қилиш демакдир. Шунинг учун ҳам бу масалада қатъий бўлиш керак. Шу муносабат билан бир муаммо ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Янги Ангрен ГРЭСи асримизнинг экологик муаммоси бўлиб қолди. Унинг ишлаб турган 6 та блокида атроф-муҳитга зарар келтиришни қисқартириш учун катта ҳажмдаги юмушларни амалга ошириш лозим. Шунинг учун ҳам экологлар станциянинг 7- ва 8-блокларини қурилишига қарши чиқмоқдалар. Бу жуда тўғри. Станция асосан кўмир билан ишлайди. Демак, атроф-муҳитни ифлослантириш янада кўпаяди. Шуни ҳисобга олиб, бизни республика Олий Кенгаши қўллаб-қувватлади. У нуроҳонанинг янги блоклари қурилишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Буни амалга ошириш керак.

Цемент ишлаб чиқариши ҳақида ҳам шуни айтишимиз лозим. У ҳам экологига катта зарар келтирмоқда. Буни вазирликлар тушуниши ва зарур чораларни амалга оширишлари лозим.

Биз нгчча, ҳамма жойда экологик тарбиянн юксак даражага кўтариш вақти келди. Кўпгина раҳбар ходимлар бунинг моҳиятини ҳали ҳам тўла тушунаётгани йўқ. Бу ачинарли бир ҳолдир. Бундай лоқайдликдан воз кечиш вақти келди. Ҳар бир раҳбар бу ҳақда муттасил қайғуриши лозим.

В. КОНЮХОВ,
Узбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат комитети раисининг ўринбосари.

● *Бизнинг маслаҳат*

ЖОЙЛАРДАГИ табиатни муҳофаза қилиш комитетларига корхоналар, ҳўжаликлар, ташкилотлар ва муассасалар бўйича экологик ҳулоса бериш вазифаси юклатилган. Шу муносабат билан вилоят табиатни муҳофаза қилиш комитетига келаётган кўпгина хатларда бу ишни расмийлаштириш тартибини тушунтириб бориш илтимос қилинган. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш комитети раисининг ўринбосари, экологик текшириш ва нормалаштириш ишлари бошқарувчи Г. А. ЖЎРАЕВ билан шу масала бўйича қилинган суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ УЧУН ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР КЕРАК?

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1991 йил 12 июндаги 159-сонли қарорида,— деди Г. А. Жўраев,— республикамиз ҳудудидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ҳақидаги Низом тасдиқланди. Унда ҳозирги вақтда экологик муаммонинг ўткир ва муҳимлиги ҳисобга олиниб, янги лардаги табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари зиммасига ҳар бир корхона, ҳўжалик бўйича экологик жиҳатдан ўз ҳулосасини бериш вазифаси юклатилган. Қарор қабул қилингандан бери ўтган вақт ичида вилоятимиздаги 2857 та корхона, ташкилот, муассаса, ҳўжалик бўйича текшириш ўтказилди ва тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Низомга мувофиқ ишлаб турган, шунингдек янгидан барпо этилаётган корхоналар, шу жумладан кичик корхоналар, қўшма корхоналарни рўйхатдан ўтказиш учун қатор ҳужжатлар керак бўлади.

Аввало рўйхатдан ўтказилаётган корхоналар ва ташкилотлар тегишли табиатни муҳофаза қилиш органларига хат билан мурожаат қилишлари лозим. Албатта, муҳри босилган бўлиши шарт. Агар муҳри бўлмаса хат таъсисчи, ҳомий номидан ёзилиши мумкин. Унда корхона қачон иш бошлаши, фаолиятининг асосий йўналишлари, манзилгоҳи — район, шаҳар, ҳўжалик ва ҳоказолар аниқ кўрсатилиши лозим.

Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимият органларининг корхона — ташкилотнинг ишлаши учун розилиги ҳақидаги ҳужжат бўлиши зарур. Корхона Уставининг тасдиқланган нусхаси, табиатни муҳофаза қилиш бўйича маҳаллий комитетнинг ушбу масала бўйича ҳулосаси илова қилиниши керак.

Агар жамоа ҳўжалиги бўлса, шу ҳўжалик аъзолари умумий йиғилиши баённомасидан кўчирма, ер участкаси ажратиб олинадиган давлат ҳўжалиги ва бошқа ҳўжаликлар раҳбарлигининг ҳулосаси ҳам талаб этилади.

Корхоналар рўйхатга олингандан кейин уларнинг ҳар оймлари олдида саноат ва бошқа иморатларни қуриш учун жой танлаш ва бунинг учун тегишли ташкилотлар билан келишиш масаласи кўндаланг бўлади. Бунинг учун вилоят табиатни муҳофаза қилиш комитетининг экологик текшириш бўлимига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим: юқорида биз атрофлича тўхталган илова хати. Иншоотни қуриш учун танлаб олинган майдон (трассалар) тўғрисидаги далолатнома ҳам бўлиши лозим. Бу ҳужжат «Тошкент вилоятида фойдаланиш учун ер участкалари бериш тўғрисида корхоналар, ташкилотлар, муассасалар талабномаларининг тузилиши ва уларни кўриб чиқишнинг муваққат тартиби» талабларига мувофиқ тегишли ҳокимликнинг ер ажратиш хизмати томонидан тузилади.

ОНД-1—84 талабларига мувофиқ атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича маълумотлар ҳам кўрсатилиши лозим. Бу ҳаждаги ҳужжатларни корхонага қарашли бўлган тегишли тармоқларнинг лойиҳалаш институтлари беради. Бундан ташқари шундай ҳулосаларни чиқиндилар ва оқаваларни энг кўп чиқарилиши нормаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланаётган кичик корхоналардан ҳам олиш мумкин.

Сув ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича маълумотлар қайд қилинган ҳужжат ҳам бўлиши лозим. У НВН—33—51—02—83 талабларига мувофиқ тўзилади. Бу ҳужжатда ифлосланган оқаваларни сўриш ҳавзалари, тупроққа оқишининг таҳминий миқдори албатта акс эттирилиши керак. Бундай ҳужжатни атмосферага чиқиндилар чиқиши ҳақида ҳужжатлар берадиган ташкилотлардан олиш мумкин.

Шу билан бирга жойнинг санитария-ҳимоя ва сув муҳофазаси минтақалари кўрсатилгани ҳолда ўрни районининг вазият режаси ҳам кўрсатилиши лозим. Бундай режани тегишли ҳокимиятларнинг ер ажратиш хизматлари тайёрлайди.


Кўпроқ бўлиб турадиган шамолларнинг йўналиши, ерости сувларининг жойлашиш чуқурлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам берилади. Бундай маълумотларни об-ҳаво хизмати ва Тошкент гидрогеология экспедицияси ҳузуридаги гидрогеологлар хизмати беради.

Ер участкаси ажратиб берилаётган жамоа ҳўжаликлари аъзолари умумий йиғилиши баённомасидан нусха, давлат ҳўжалиги, ўрмон хўжалиги ва бошқа шу каби хўжаликлар дирекциясининг хулосалари. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг кўрадиган зарари ва йўқотиши аниқ кўрсатилган маълумотнома. Бу ҳужжатни жамоа хўжалиги, давлат хўжалиги, ўрмон хўжалиги, тегишли хўжалик ҳам беради.

Кўрсатилган ҳужжатлар мажмуи табиатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли ҳудудий шаҳар ёки туман комитетига тақдим этилади. Улар берган хулосалар Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш комитетига ҳам ҳавола этилади.

Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш комитетида лойиҳалашгача бўлган ишларни кўриб чиқиш муддати 15 кун, лойиҳалашган ишларники эса 30 кун. Лойиҳалашган ва лойиҳалашгача ишларни текширишдан ўтказиш ҳақи ишнинг мураккаблигига қараб 5 минг сўмдан 20 минг сўм оралигида бўлади. Бунда қўшимча қимат учун 30 фоиз миқдорида солиқ олинади.

Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш комитетининг экологик текширув бўлими корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ҳамда саноат ва бошқа иморатларни қуриш учун майдончалар (трассалар) танлаш тўғрисида хулосалар масалаларн бўйича ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари соат 9 дан 18 гача қабул қилади, танаффус соат 13 дан 14 гача. Бизнинг манзилимиз: Мирза Улуғбек тумани, Ипак йўли кўчаси, 235-уй.




Она-юртимизда куз фасли ҳукм сурмоқда. Кечки мевалар ҳам пишиб етилаяпти. Улар орасида доривор лари кўп:

● Наъматакни минг дардга даво дейдилар.

● Дўланада дармондорилар мўлкўл.

И. ПОРТНОВ суратлари.



*

● *Экологик кундалик*

ТЕКШИРИШЛАР, ОГОҲЛАНТИРИШЛАР, ЖАРИМАЛАР

БЕКОБОД. Туман ҳўжаликлари, корхоналари, ташкилотлари, муассасаларида табиатни муҳофаза қилиш қонун-қоидаларини бузиш ҳоллари ҳамон кенг кўламда давом этмоқда. Бу соҳа назоратчиларининг аҳволни яхшилаш йўлидаги куч-ғайратлари самараси ҳамон салмоқли бўлмаяпти. Улар корхоналар — ҳўжаликлар раҳбарларига нисбатан чоранинг турли шаклларидан фойдаланишга мажбур бўлмоқдалар.

Навбатдаги текширишлар натижасида қатор ҳўжаликларда табиатни муҳофаза қилишдаги кўпгина нуқсонлар аниқланди. Масалан, «Авангард», «Далварзин», Улуғбек номли ва Азиз Мавлонов номли давлат ҳўжаликларида шу вақтгача тезарак-атрофни ифлослантиришнинг рухсат берилган энг кўп миқдори расмийлаштирилмаган. Бундай аҳвол ҳўжаликларнинг раҳбарлари учун жуда кўл келаяпти. Улар табиатга катта зарар келтиришнинг миқдори аниқ белгиланганида эди ортиқча ифлос қилинган учун жарима тўлашга мажбур бўлардилар.

20-тўмандаларо кўчма механизациялашган колоннада ҳам шундай аҳвол бошқачароқ шаклда ҳукм сурмоқда. Бу ерда сувдан фойдаланиш учун рухсат олинмаган. Давлат назоратчиларининг бу масала юзасидан кўрсатмаларини бажаришга ҳеч ким шошилмаяпти.

Узбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг шу ердаги овчилик хўжалигида ўсимликларнинг пайхон қилинишига йўл қўйилмоқда. Чорвачилик боқилиши одат бўлиб қолди. Аслида бундай бўлиши мумкин эмас. Бунинг устига хашакни ўриш ҳам даром эттирилаяпти. Ўрмонларни енгинлардан сақлаш ишлари кескин сусайтириб юборилган, шу сабабли ёнғин чиқиш ҳоллари учраб турибти.

Туман табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бу текширишлар натижасини кўриб чиқиб, атроф-муҳитнинг муссаффолигини таъминлашдаги камчиликларнинг олдини олмаган корхона — ҳўжаликлар раҳбарларини жазолади. Чунончи, 20-тўмандаро кўчма механизациялашган колонна бошлиғи Х. Эргазарога 300 сўм миқдорида жарима солинди.

ЎРТАЧИРЧИҚ. Иккинчи маъдан бошқармасининг марказий саралаш фабрикаси атроф-муҳитни ифлослантирувчи йирик манба бўлиб қолмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш назоратчилари фабрика раҳбарларини бир неча бор огоҳлантирди, атроф-муҳитни ифлослантиришни камайтириш, жилла қурмаса нормативда бўлишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар кўриш лозимлигини таъкидладилар. Шундан сўнг айрим ишлар қилинди, лекин улар талабдан жуда узоқда қолмоқда. Таъбеҳлар, огоҳлантиришлар кор қилавермагач, бу иш учун бевосита масъул бўлган фабрика бош инженерига нисбатан қаттиқроқ чора кўрилди. Унга 750 сўм жарима солинди.

Табиат муҳофазаси тартибини пўпол равишда бузилишини бошқа ташкилот —ҳўжаликлар мисолида ҳам кўрсатиш мумкин. Ҳўжалик ҳисобидаги тузатиш-қурилиш бошқармаси ҳам атроф-муҳитни бузғошга «ихисса» қўшмоқда. Текшириш вақтида бу соҳадаги катта камчиликлар аниқланди. Бошқарма бошлиғи С. Ҳолиқовнинг яна бир бор айбига иқрор бўлишдан бошқа иложи қолмади. Лекин, табиат муҳофазаси назоратчилари қуруқ танба-тазарруднн етарли эмас, деб топдилар. Камчиликлар тақрорланаётганлигини ҳисобга олиб, бошлиқни жазолаш лозим, дедилар. У ўз ҳамёнидан 300 сўм тўлашга маҳбур бўлди.

Тумандаги «Ярим ҳунармандчилик» жамоа ҳўжалигида минерал ўғитлари ва заҳарли кимёвий моддаларни сақлаш қоидалари қўпол равишда бузилаётганлиги маълум бўлди. Натижада ер ости сувлари, атроф-муҳит ифлос қилинган. Бундай бефарқлик ҳўжалик раҳбарларига одат бўлиб қоляпти. Уларга нисбатан сабоқ бўлсин, деб қаттиқроқ чора кўришга тўғри келди. Жамоа ҳўжалиги раиси Б. Қўшбоев ва шу ҳўжалик энтомологи А. Аноркуловларнинг ҳар бири 300 сўмлик жарима билан жазоландилар.

М. МУҲИДИНОВ.

● *Ов гашти*

БИРИНЧИСИ ҲАМ, ОХИРГИСИ ҲАМ ШУ БЎЛДИ

ҚИЗИЛҚУМ саҳросида баҳорни кўрганмисиз? Шундай гўзал, латофатли бўладики, таъриф-тавсифини ўрнига қўйиш унча-мунча шоиртабиат кишининг ҳам қўлидан келмайди. Унинг қиёфаси ёзнинг жазирама кунлари кўримсиз, қашшоқ бўлиб кетишига ҳеч ишонгинг келмайди.

Лекин, барибир, қандайдир «сирлари» билан эътиборингни тортаверади.

Ўшанда баҳорнинг охирлари, ёзнинг бошлари эди. Сайқоллар пода-пода бўлиб жанубдан гарбга томон борарди. Уларни тез-тез учратиб турардик. Шарпамизни сезишлари билан шундай тез югуриб кетишар эдики, ҳатто кўз билан илғаш қийин эди. Бир сумда қўздан ғойиб бўлишарди. Эрта баҳордан бу ерлар тупроғини, ер қатламларини ўрганиш, фойдали қазилмалар бўлса қидириб топиш учун йўлга равона бўлар эдик. Ёш геологлар бу ёқларга ишқибозроқ эдилар. Ҳайвонот олами рангбаранг бўлган саҳрода кутилмаган воқеа—ҳодисалар кўп бўларди. Шу тариқа ҳафталар, ойлар ўтиб кетарди.

Кунлардан бир кун сайқоқ овига бормоқчи бўлдик. Eминшимиз камайиб қолган, гўшт умуман қолмаган эди. Нима учундир ишимиз кўпайиб бу масаллиқлар масаласи эсдан чиқиб қолибди. Қотган нонимиз, картошкамиз етарли бор эди. Шунда таваккал қилиб, сайқоқ овига чиқдик. Автомашинамиз бакига бензинни лиқ тўлдириб қўйдик. Ичимиздаги кексароқ ҳамкасбларимиз бундан фойда йўқ, барибир уларни отаолмай овораю-сарсон бўласизлар, деб йўқ эди. Машина спидометри 50 дан ҳам ошиб кетди. Подага қадамба-қадам яқинлашиб борардик. Шу вақт ичида яна қанча йўл босдик билолмадим, лекин орқадаги подага деярли етиб қолган эдик. Қув-қувга қизиқиб, ҳайқиришга зўр бериб, уларни отишни бутунлай унутиб қўйибмиз. Шу вақт кимдир отмаяпсанларми, деб бақирди. Нишонга олиш қийин эди. Сайқоқлар тўғри эмас, қандайдир икки томонга ташлаб чопаётганга ўхшарди. Бунинг устига улар тезликни яна ошириб, анча илгарилаб кетишди.

Машинамизга яна зўр бердик. У ҳам чарчамасдан олга интиларди. Олдингиларни анча илгарилаб кетди. Отиш масофасига етганимизда — 50—60 метр қолганида пода югуришни яна тезлатиб, оралиқни анча узоқлаштирдик, бироздан кейин яна секинлашди. Машина спидометри олтмиш атрофида эди. Яқинлашиб қолган ҳам эдик. Бирдан 90 градус бурчак қилиб, бурилди пода. Машинани эса буролмадик, у олдиндаги қум уюмига тиралиб тўхтади. Бу вақтда олдинги пода аллақачон кўздан ғойиб бўлган эди, уни сезмай ҳам қолибмиз. Кейинданги ҳам бизни лақиллатиб кетди. Ниҳоят ҳориб-чарчаб қуппа-қуруқ қароғоҳимизга қайтиб келдик.

Ҳамкасбларимиз ва улар даврасида ўтирган эски танишимиз, шу атрофлик ёвчи Иброҳим ака Замонов бизни мийиғларида кулиб ўтиб олишди. Овимиз баридан келмаслигини олдиндан билишган экан. Ёшлик-да, бизни масхара қилишаётгандай туюлди менга. Нафсиламбирини айтганда, улар ҳақли эди. Гапларига қулоқ солмадик. Қорнимиз ҳам роса очган экан. Қуруқ картошка солиб тайёрланган шўрвага қаттиқ нонни ободон бўтқариб роса туширдик. Шу пайтда у паловдан ҳам азизрок туюлиб кетди.

Чой устида сайқоқлар подасини қувганимиз, улар бир бирдан бамисоли беркинмачоқ ўйнагайлигини, охирида ҳаммамизни доғда қолдириб кетганлигини биримиз қўйиб, иккинчимиз олиб гапириб бердик. Шунда Иброҳим ака сўз бошлади:

— Сайқоқлар ови жуда машаққатли, Қийинлиги шундаки, уларнинг орқасидан қувиб етиш қийин. Ёнидан, олдидан чиқиб овлаш осонроқ. Улар биринчи назбатда болаларини асрашга ҳаракат қилади. Ўзингиз айтганингиз дек, уларни олдинга ўтказиб, ўзлари орқарокда қолиб, овчиларни ҳам чалғитади. Овчи яқинлашгач чопишни тезлаштиради. Олдинги пода узоқлашиб кетгач улар ҳам бамисоли қушлай парвоз қилиб, овчини доғда қолдиради,— қўлидаги пиёлада совиб қолган чойдан хўплар экан қўшиб қўйди.— Наслни сақлашни ўз жонидан ҳам афзал кўради, жониворлар, бу нарса ҳатто айрим инсонларга етишмайди,—деди чуқур хўрсиниб.

Бу сўзларни ўзи билан ўзи гапиришаётгандай айтди. Биз ҳаммамиз қилмишимиздан уялиб, бир-биримиз билан кўз уришгиби олдик. Сайқоқ овимизнинг биринчиси ҳам, охиргиси ҳам шу бўлди.

А. МИРҲАМИДОВ.

ЭКИНЛАР ВА... МАГНИТОФОН

Сабзавотлар ва мевалар ҳам мусиқани хушкўрар экан. Буни япониялик олимлар аниқладилар. Уларнинг фикрича, мусиқа натижасида ҳосил бўлган титраш барча нинг орқа томонидаги ҳужайраларнинг кенгайишига кўмаклашар экан. Натижада барглар ҳўлроқ кислород олади ган бўлади. Бунинг натижасида сувдан тўйимли моддаларни ўзлаштириш яхшиланади, шунингдек фотосинтез жараёни кучаяди.

Ямагата шаҳридаги аудио-электрон техникаси ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг бири ҳодимлари бир неча йилдан бери шу соҳада ажойиб тадқиқотлар олиб боришяпти. Сабзавотлар ва мевалар мусиқа «тинглаб» тезроқ ўсишяпти. Бу ерда мусиқага қўшимча равишда тўйимли моддаларни ҳам ўз ичига олган гидропоник суюқликни оҳангработлаштиришда л а р. Бу ҳам уларнинг ўсишига кўмаклашмоқда. Шу нарса исбот қилинадики, бундай ҳолда ҳосилнинг етилиш вақти қисқаради, ҳосилдорлик эса 30 фоиз кўпаяди. Шунисн қизиқки, сабзавотлар ва мевалар классик мусиқани «кўпроқ ёқтиришар» экан, деб хабар беради «Япония сурати» ойномаси.

• Биологик усулларга кенг йўл

ЭКОЛОГИК СОФ, ИҚТИСОДИЙ САМАРАЛИ

Қишлоқ хўжалиги экинлари, айниқса, ғўза зараркунандаларига қарши курашда биологик усулдан фойдаланиш борасида Бекобод райони деҳқонлари самарали ишларни амалга оширмоқдалар. Бунда район хўжаликлараро биофабрикаси етакчи ўрин эгалламоқда.

Бу фабрика 1982 йилда қурилди ва дастлабки маҳсулотини бера бошлади. Лекин аввалига хўжаликлар мутахассислари истиқболли бу усулга ишончсизлик билан қарашди. Захарли химикатларни қўллашга ўрганиб қолингани учун шундай бўлди. Эски усулни тарк этиш қийин бўлди. Шу сабабли 1982 йили Ленин номли колхоз ғўза майдонларини иккига бўлиб ярмига кимёвий, иккинчи ярмига биологик усул билан ишлов беришга киришилди. Хўжаликларнинг мутахассислари бу майдонларда ҳашаротларнинг аниқ ҳисоботини доим олиб бордилар ҳамда ишлов берилгандан кейинги аҳволни қатъий назорат қилдилар.

Ҳар иккала усул билан ишлов берилган майдонларда биологик усулнинг самараси беқиёс эканлиги яққол намоён бўлди. Шундан сўнг бу янгиликка муносабат ўзгара бошлади. 1982—1984 йиллар мобайнида 4 та хўжалик биологик кураш усулидан тўлиқ фойдалана бошлашди ва бошқа хўжаликлар томонидан ҳам қизиқиш ортиб борди. Шу сабабли 1985 йилдан бошлаб районнинг барча хўжаликлари биологик кураш усулига ўтди. Шу вақтдан бошлаб биофабриканинг бракон ишлаб чиқиш цехи ҳам тўла ишга тушди, бу билан зараркунандаларга қарши кураш самарасини янада ошириш имкониятига эга бўлинди. Айниқса, кўсак қуртини йўқотиш учун биофабрика чиқараётган бракон жуда қўл келади. Трихограмма ва бракон ишлаб чиқариш ўзига хос жараён бўлиб, у технологияга аниқ риоя қилишни талаб этади.

Биофабрика бўйича бир йилда керакли миқдорда трихограмма ишлаб чиқариш учун 45 тонна саралланган арпа сарфлади. Арпа иссиқ сувда ювилиб, димланиб, сўнг махсус идишларга солинади. Намлиги 16 даражага етгач трихограмма уруғи ташланади. Бу уруғ жонланиб ҳар бир арпа ичига биттадан кириб олади ва арпа ҳисобига яшайди. Нормал ҳарорат ва намликда 24 кунда капалак чиқа бошлайди, капалаклар махсус идишга қамалиб, 25 кун мобайнида бу капалаклардан янги уруғлар олинади. Олинган уруғнинг бир қисми қайта ишлашга, қолган қисми эса трихограмма билан чатиштириб, далага қўйишга тайёрланади.

Бу умумий жараён учун 55 — 60 кун вақт керак бўлади. 1992 йил мобайнида режалаштирилган 113 килограмм ўрнига 137 килограмм трихограмма ишлаб чиқарилиб, шундан 95 килограммни сотилди ва 43 килограмм қайта ишлашга қолдирилди.

Бракон маҳсулоти ишлаб чиқаришда шакар, маргарин, олма, қоқи, узум уни, ошхона чиқиндилари, маккажўхори, асал ишлатилади. Бракон учун оналик маҳсулоти бўлган майда қуртлар 3 литрли банкаларда бир ой мобайнида озиқлантирилиб, яна бир ой мобайнида эса махсус идишларда боқилади. Умумий жараён учун 70 кун кетади. 1992 йилда 8,2 млн. дона бракон чиқариб, унинг 6,5 млн. донаси сотилди ва 1,7 млн. донаси эса кўпайтириш учун қолдирилди.

Биологик усулнинг иқтисодий самарадорлиги диққатга сазовордир. Агар 1985 йилда Улуғбек давлат хўжалиги бўйича химиявий усул учун 85—90 минг сўм харажат қилинган бўлса, 1986 йилда эса биологик усул қўллаништирилиб, йиллик харажат 40 минг сўмдан ошгани йўқ.

Бекобод район биофабрикасида ишлаб чиқарилган биомаҳсулотлар район хўжаликларидан ташқари қўшни Сирдарё, Фарғона, Самарқанд вилоятларининг бир неча туманларида, Тожикистон Республикасининг пахтачилигида ҳам ишлатиб келинмоқда.

Халқимиз саломатлигини кўриқлаш, иқтисодий самарадорликни ошириб боришни ўз мақсади қилиб қўйган бу корхонада ҳозирги вақтда 32 киши меҳнат қилмоқда. Уларга ўртача 2,5 минг сўм миқдорида ойлик маош тўланмоқда. Ишчиходимлар бепул сут-қатиқ маҳсулотлари ва тушлик билан таъминланган, корхонанинг ёрдамчи хўжалигида асаларичилик ва товуқчилик ташкил этилган бўлиб, етиштирилган маҳсулотлар ишчи-хизматчиларга арзон нархларда сотилмоқда. Корхона низоми асосида иқтисод қилинган иш ҳақининг ҳаммаси, маҳсулотларни тежашдан тушган маблағнинг 50 фоизи, режадан ортиқча сотилган маҳсулот нархининг 40 фоизи мукофот тариқасида берилмоқда. 1992 йил учун режалаштирилган 2 миллион сўмлик ўрнига 2,3 миллион сўмлик умумий даромад олиш кутилмоқда. Корхона фаолиятида ижобий натижаларга эришилишида Б. Искандаров, Г. Аҳмадалиева, З. Йўлдошева, Л. Петросян, М. Шодиевалар каби ишчи ва мутахассисларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда.

Корхонанинг қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда жуда қўл келаётган маҳсулотини етиштиришни кўпайтириш учун имкониятлари жуда катта, лекин бунинг учун ҳозирги вақтда тақчил бўлиб бораётган озуқалар, айниқса шакар, маргарин маҳсулотлари тақчилдир. Бундай материал ва хом ашёлар бирор бир ташкилот орқали аниқ муддатларда ва керакли миқдорда етказиб берилмайди. Ушбу озуқа маҳсулотларини етказиб бериш масаласи қисман бўлса ҳам ижобий ҳал этилса, корхона ўз фаолияти янада самаралироқ бўлишига, она табиатимизни асраб-авайлашга ўз ҳиссасини кўпроқ қўшиш имкониятига эга бўлади.

Н. ҚОСИМОВ,
Бекобод район биофабрикасининг бошлиғи.

К. МАВЛОНОВ,
Бекобод район табиатни муҳофаза қилиш комитети раиси.

ТАБИАТ ИШҚИБОЗЛАРИ ХАТЛАРИ ИЗИДАН

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

«ТАБИАТ ва инсон»га келган хатларнинг бирида Бўстонлиқ туманидаги Чорбоғ шаҳарчаси шифохонасида невропотолог-врач бўлиб ишлаётган Н. Николина шаҳарчада қонунсиз асосда ўсиб турган тераклар қирқилаётганлиги ҳақида ёзган эди. Мазкур хатда қайд қилинган ўзбошимчаликни Бўстонлиқ туман табиатни муҳофаза қилиш комитети текширди.

Текшириш натижасида қуйидагилар аниқланди: Чорбоғ шаҳарчаси шўроси қарори билан қатор қишлоқларда ҳаммаси бўлиб 128 туп терак қирқилган. Уларнинг кўпчилиги кўкариб турган эди. Бу масалада туман табиатни муҳофаза қилиш комитети билан келишилмаган. Бундай ўзбошимчалик қилган Чорбоғ шаҳарча шўроси раиси Т. Аширбоевга 300 сўм жарима солинди. Бўстонлиқ туман табиатни муҳофаза қилиш комитети раиси вазифасини бажарувчи Б. Тошпўлатов шу ҳақда хабар берди.

● КЕЙИНГИ 100 йил ичида тахминан 240 миллиард тонна кислород йўқ қилинди. Айни вақтда ҳавога 360 миллиард тонна заҳарли карбонат кислотаси чиқарилди. Бундан ташқари юзи атмосферасининг 1,35 миллион тонна кремний, 1,5 миллион тонна маргимуш 0,6 миллион тонна рух ва шунча миқдордаги сурма булғатиб юборди. Уларнинг ҳаммаси табиат, ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёси, шунингдек инсон саломатлиги учун ниҳоятда зарарлидир.

● ТАДҚИҚОТЛАР шуни кўрсатдики, Лондоннинг марказий кўчаларининг бирида транспорт ҳаракатини тартибга солиб турувчи бир кунда ўз ўпкасидан тутун, ис кўринишидаги шунча заҳарли газларни ўтказадики, у 100 пачка сигаретани чекиш билан тенгдир.


● БИЗ НАФАС олаётган ҳавони турли чиқиндилардан тозалашда дарахтларнинг хизмати беқиёсдир. Бу соҳада чинор ва ёнғоқ билан беллашадиганлари топилмайди. Уларда, ҳатто, турли хил зарарли ҳашаротлар яшай олмайди. Чинор шунчалик озодалик, тозаликни севадиган ўсимликки, ўзининг эскирган, зарарланган пўстларини ташлаб, янгилаб туради. Ёнғоқзорларда доим яшайдиган инсонларнинг умрига умр қўшилади. Ёнғоқ тагида ётганингизда бош оғриса ёки қандайдир бошқа нохуш аломат сезилса у сизнинг касалингиз борлигидан далолат беради.

● ДАРАХТЛАР баргларидан таралаётган сув буғлари теварак-атрофни салқин қилибгина қолмай, ҳаводаги ҳар хил чанг ва микроорганизмларни ерга туширади, натижада нафас олишингиз енгиллашади, кайфиятингиз яхшиланади.

Х. РАМАНОВ,
меҳнат фахрийси, ўқитувчи.

ЭНГ КАТТА ХОНАКИ МУШУК

Ҳозирги вақтда Американинг мейн-кун деб аталувчи мушуги жаҳондаги энг йирик хонаки мушук ҳисобланади. Унинг ўртача вазни 15 килограммдан ортиқроқдир. У Американинг Айова ва Арканзас штатлари фермерларининг бақувват мушукларидан чиқарилган. Эрка ва беғам бу мушук ўзини ҳафа қилишларига йўл қўймайди. Ривоятларга қараганда АҚШда кенг тарқалган мейн-кун мушукнинг урғочи енотга севгиси натижасида пайдо бўлган. Шу сабабли уларнинг айримлари йўл-йўл бўлади. У оддий «фермер» мушуги ҳисобланади, хонадонда яшашга мослашмаган. Унга кенг ҳовли, боғ, экинзор ёки ҳатто майдонлар керак. Яқинда бир фермер боқаётган бундай мушукнинг, уни Пайп деб аташади, вазни 19,5 килограммлик тошни босган. Американинг «Чикаго сан» газети шу ҳақда ёзди.



— Ойи, бу от ҳам бизга ўхшаб кийиниб олибди-я...



Сўзсиз сурат.

Шовкат МУЗАФФАР чизган расмлар.

Ушбу саҳифалар материалларини вилоят табиатни муҳофаза қилиш комитети фан-техника тараққиёти ва тарғибот бўлими ҳамда «Тошкент ҳақиқати» газетаси ходимлари тайёрлашган.

(Боши 2-бетда).

6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.50 Футбол. Халқаро учрашув. Беларусь — Украина терма командалари. 2-тайм. Минскдан кўрсатилади.
11.40 «Машҳур ўрдакча Тим». Мультфильм.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Ўн икки стул». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
13.40 «Кабаре». Телевизион бадиий фильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Уолт Дисней таништиради...».
17.05 «Россия овози» телерадиотанловининг дипломанти Т. Матвеева куйлайди.
17.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Вагон-03».
19.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Катта сайр».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Ҳеч нарса ҳақида репортаж».
21.35 Волейбол. Россия чемпионати. Эркаклар. «Самотлор» — «Аграрник».
22.20 «Номенклатура». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
23.40 «Эфирда мусиқа». 1-қисм.
00.10 Янгиликлар.
00.45 «Эфирда мусиқа». 2-қисм.
02.15 «Ўн икки стул». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Камера ўтмишни тадқиқ этади. «Охирзамон ҳақида янги маълумотлар». Ҳужжатли фильм.
10.05 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаяпман».
10.20 «Ўз-ўзига режиссёр».
10.50 «Карвон».
11.20 «Ҳали англанмаган коинот».
11.50 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 92-серия.
12.40 «Пилигрим».
13.25 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.50 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.15 «Бозорни ўрганайлик».
15.45 «Рост» студияси. «Гуффи-Геймз». 1-қисм.
16.15 Янгиликлар.
16.30 Трансросэфир. «Урал-ТВ».
17.15 «Шундай яшаяпмиз».
17.45 «Ҳар бир кун байрам».
17.55 Эълонлар.
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00 Ёшлар.
18.30 Хабарлар.
18.45 «Ислом маданият ёдгорликларида».
19.30 Хабарлар.
19.50 «Сезам» кўчаси.
20.20 Мусиқали дастур.
21.10 «Катта опа». Видеофильм.
21.55 Манзарали фильм.
22.00 Хабарлар.
22.20 Спорт
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.55 «Осойишталик № 9».
23.55 Эълонлар.
24.00 Спорт кўрсатуви.
00.05 Соло. «Янги иллюзион».
00.10 «XX аср кадрда ва кадр ортида». «Вивьен Ли—давр ледиси».

Жума, 30. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Футбол. Ўйингоҳлардан дараклар.
7.35 «Саодат». Фильм-концерт.
8.10 «Шаҳар таронаси». Бадиий фильм.
9.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология. Балиқларнинг турли-туманлиги, аҳамияти ва уларни муҳофаза қилиш.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қуёшда пишган нон». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
18.40 «Ишонч мустаҳкам бўлса».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Мумтоз куйлардан концерт.
20.05 «Эл фарзанди». Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.40 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.25 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.55 «Аршин мол олон». Бадиий фильм.
00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ
18.05 «Кот Котофеевич». Мультфильм.
18.15 «Байкем, Эжем жана биз».
18.30 «Ата журт». Телеканал.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 «Ата журт» (давоми).
21.00 «Ала-Тоо».
21.20 «Ата-журт» (давоми).
21.50 «Янги шароитларда меҳнатга ҳақ тўлаш».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20— Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.05 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
10.55 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.35 «Иштирок этувчилар». Телефильм.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Ўн икки стул». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
13.40 «Оқшом пайтларида». Бадиий фильм (Болгария).

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Уолт Дисней таништиради...».
17.00 «Марказ».
17.40 «Мақтанчоқ чумчуқча». Мультфильм.
17.50 «Технодром». Оригинал ғоялар ва фойдали майда-чуйда нарсалар ҳақида.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Россия юлдузлари». Киноальманах.
18.45 «Вагон-03».
19.15 «Инсон ва қонун».
19.50 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Детективлар клуби»да. «Шахсий қурол». Телевизион бадиий фильм.
22.50 Катталар учун мультфильм.
«ВИД» таништиради:
23.05 «Сиёсий бюро».
23.35 «Музобоз».
00.55 «Авто-шоу».
01.10 «Хит-конвейер». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
02.10 «Ўн икки стул». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 Камера ўтмишни тадқиқ этади. «Ракета инқирози». Ҳужжатли фильм. 2-қисм.
9.45 Ишдан бўш пайтингизда. «Қушлар биз билан ёнмаён».
10.00 «Жентльмен-шоу».
10.30 Ватаним менинг. «Петербург бурчаклари».
11.25 «Қалб сайли». Ёзувчи Георгий Семёнов.
11.55 Кундузги сеанс. «Санта Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 93-серия.
12.45 «Гап-гаштакларни қўмсаб».
13.10 Мульти-пульти. «Кутилмаган учрашув».
13.20 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.25 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.45 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.15 Телебиржа.
15.45 «Рост» студияси. «Гуффи-Геймз». 2-қисм.
16.15 Янгиликлар.
16.30 «Минора».
16.45 Жума кунлари Уолт Дисней. «Мистер Бугеди». Бадиий фильм.
17.45 «Ҳар бир кун байрам».
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 «К-2» таништиради. «Динара». Бадиий фильм («Кинограф», «Медиа»).
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.55 «Хонанда».
21.45 «Чолиқуш».
22.00 Хабарлар.
22.20 «Ҳафта сўнгида». Дам олиш кўрсатуви.
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
23.45 «К-2» таништиради.

Шанба, 31. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Кенжатойдан қўрқ, эй ғаним». Бадиий фильм.
9.10 «Биргаликда куйлаймиз».
9.40 «Шоҳруҳ клуби».
10.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
11.05 «Олам кўрки сиз билан». Публицистик кўрсатув.
11.45 «Алифбо сабоқлари».
12.15 «Мушоира». Адабий кўрсатув.
12.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Орзулари ойдинлар».
13.30 Хайриддин Султонов. «Чангак». Видеофильм.
14.35 Тижорат канали. «Тола ва сифат». Навоий пахта тозалаш заводи иш тажрибасидан.
15.05 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Зайнаб Садриева.

* * *

18.00 «Краканош ва мактаб». Мультфильм.
18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгэр номидаги Республика ўрта махсус мактаб интернати ўқувчиларининг чиқиши.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 XI Тошкент халқаро кинофестивалига бағишланган Ўзбекистон санъат усталарининг концерти.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.00 «Темир хотин». Бадиий фильм. 2-серия.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ
9.05—12.00 Қиргизистон телевиденнесининг болалар студияси кўрсатади. Программада: «Хуш хабарлар», «Бобок сенин жомогун», «Дидаршоу», «Оқ кема». Бадиий фильм, мультфильм.

* * *

18.05 «Қувноқ домино». Киноконцерт.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 Б. Жакиев. «Кулгондун билгежи бар». Ўш қирғиз драма театрининг спектакли.
20.50 «Канизак Изаура». Кўп серияли бадиий телефильм. 2-серия (рус тилида).

● «ОРБИТА IV»

6.15, 15.15, 18.40, 00.15— Кўрсатувлар тартиби.
6.20 «Руҳни чиниқтириш».
7.20 «Спортлото» тиражи.
7.35 «Адиген» турк ансамблининг чиқиши.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Эрта саҳарлаб».
9.00 «Ялла» чойхонага таклиф этади».
10.30 «Кичкинтой ва қора ниқоб». Мультфильм.
11.00 «Ўтмиш».
11.40 «Қора кўркам от саргузаштлари». Кўп серияли телефильм премьераси. 16-серия.
12.05 «Янги авлод танлайди...».
12.55 «Рақснинг гўзал лаҳзалари». Б. Корнева.
13.50 «Соло».
14.20 «Ҳар бир киши ўзи ҳақида».
14.30 «Волохонкадаги уй». Кўп серияли телефильм премьераси. 3-фильм.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Учинчи жаҳон уруши дақиқаларими!». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Давлатлараро «Останкино» телерадиокомпанияси ҳамда Германиянинг «ЦДФ» студияси биргаликдаги маҳсулоти).
16.20 «Саёҳатчилар клуби».
17.10 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
17.50 «Уолт Дисней таништиради...».
18.45 Янгиликлар.
19.00 В. Готовцева куйлайди.
19.20 Э. Олби. «Ким Вирджиния Вульфдан қўрқади!». «Современник» театри фильм-спектаклининг премьераси.
22.00 «Якунлар».
22.45 «Телелоция».
23.00 «Орзу вокзали». Юрий Башмет.
24.00 Янгиликлар.
00.20 «Олтин бургут» қаноти остида».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Ҳужжатли панорама. «Кузьма Поклоновнинг тақдири».
9.20 Ишдан бўш пайтингизда.
9.35 Фольклор. «Номаълум маданиятлар».
10.05 «Олти сотих».
10.25 «Кироллиқдаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм. 10-серия.

*

10.55—14.00
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
«Безнен мирас» (татар тилида).
«Дидар» (қорақалпоқ тилида).
«Дўстлик тароналари».
«Ой туран» (қирғиз тилида).

*

17.20 «Бола тилидан...».
17.50 «Ҳар бир кун байрам».
18.00 Хабарлар.
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 Туркия манзаралари.
18.30 Хабарлар.
18.45 «Хонанда».
19.30 Хабарлар.
19.45 «Сезам» кўчаси.
20.15 «Тоғ сўқмоқларида» Ҳужжатли фильм.
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.25 «Кеча». Бадиий фильм (Польша).
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.25 «Сафсаталар». Оиладаги бугунги муаммолар ҳақида.
22.55 Бугун Россия Федерацияси Олий Кенгашида.
23.10 «Ассорти». Мусиқий дам олиш томошалари.
23.40 «А» программаси.
00.10 «Ад либитум».
00.40 Тунги сеанс. «Нодир шахс». Бадиий фильм.

Якшанба, 1. XI

● ЎзТВ I

7.00 Ўзбекистон халқ ҳофизи Одилжон Юсупов куйлайди.
7.50 «Саҳродаги қўриқхона». Телефильм.
8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 «Олтин тоғнинг сири». Бадиий фильм.
9.45 «Муҳаббат наволари». Мусиқий кўрсатув.
10.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар».
11.25 «Сайёрамиз омон бўлсин».
12.05 Тижорат канали. «Саноатимиз одимлари».
12.25 Абдулла Орипов. «Ранжком». Телеспектакль.

* * *

15.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. Олий лига. «Пахтакор»—«Косонсойчи» (Косонсой). «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Телефильм.
17.20 «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари». Мультфильмлар.
18.00 «Бўстонлиқнинг олтин кузи». Манзарали фильм.
18.20 «Санъат гунчалари». Глинкa номидаги Республика ўрта махсус мактаб интернати ўқувчиларининг чиқиши.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 XI Тошкент халқаро кинофестивалига бағишланган Ўзбекистон санъат усталарининг концерти.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.00 «Темир хотин». Бадиий фильм. 2-серия.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ
9.05—12.00 Қиргизистон телевиденнесининг болалар студияси кўрсатади. Программада: «Хуш хабарлар», «Бобок сенин жомогун», «Дидаршоу», «Оқ кема». Бадиий фильм, мультфильм.

* * *

18.05 «Қувноқ домино». Киноконцерт.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 Б. Жакиев. «Кулгондун билгежи бар». Ўш қирғиз драма театрининг спектакли.
20.50 «Канизак Изаура». Кўп

*

10.55—14.00
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
«Диллар дилларга пайванд».
«Шеърият дафтаридан» (тожик тилида).
«Ҳамдўстлик» кўрсатуви.

*

14.00 Такрорий фильмлар экрани. «Ёмон яхши одам». Бадиий фильм.
15.40 «К-2» таништиради: «Америка юлдузлари».
16.10 «Познер ва Донахью».
16.40 «Ҳайвонот оламида».
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.40 ТРТ кинофильмлари.
18.30 Хабарлар.
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.50 Голливуд классик фильмлари фестивали. «Октобдаги қон».
20.35 Телевизион текшириув бюроси. «Коррупция».
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.25 «7 ёшдан 77 ёшгача».
21.45 «Инсон ва унинг ахлоқи».
22.00 Хабарлар.
22.20 «Пазар-92».

«Тошкентдан панорама ва кўрсатамиз» ҳафтномасининг 23 октябрь сонидан олинди

«ЎЗБЕК ТИЛИ — ОНА ТИЛИМ»

ТАРИХ саҳифасида 21 октябрь муносиб ўрин тутади. Чунки бу кун ҳали «қизил империя» мавжуд бўлган ва унинг ҳар дамда сезилиб турган тазйиқига тиғ урилган кун. Ўзбекнинг эса ғафлат уйқусидан уйғониб, ўзлигини таниган ва тан олган кун. Том маънода айтадиган бўлсак, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун. Ана шунга ҳам роппа-роса уч йил тўлди.

Шу муносабат билан жойларда тил байрамлари, турли мавзуда йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Тиббиёт ва табобат соҳасида республикада маълум ва машҳур Семашко номидаги республика Соғлиқни тиклаш ва физиотерапия илмгоҳида ҳам «Ўзбек тили — она тилим» мавзуида кеча бўлиб ўтди. Шифокорларнинг тил байрамида халқаро «Маърифат» жамияти президенти шоир Муҳиддин Жаббор ўзбек тили ва унинг ҳозирги даврда жаҳондаги мавқеи хусусида батафсил сўз юритди. Кечада ўзбек тили ҳақида бадиий чиқишлар ҳам бўлди. Жумладан, илмгоҳ ҳамширалари тил ҳақида шеърлар ўқишди, кичкинтойлар эса ўзларининг қўшиқ ва рақслари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

Дарҳақиқат ушбу даволаниш масканида Давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилиши қандай бормоқда? Шарқ табобати бўйича директор ўринбосари У. Шоғуломов бу борадаги ишлар билан бизни батафсил таништирди.

Илмгоҳ директори К. Йўлдошев даволаниш масканида олиб борилаётган ишлар хусусида қисқача сўзлаб берди.

— Қонунни бекаму-кўст бажариш учун дастлабки кунларданоқ бу соҳа билан шуғулланувчи ишчи гуруҳи тузилган эди. Энг аввало рус забонли хизматчиларга ўзбек тилини ўргатишни йўлга қўйдик. Бу борада бизга «Маърифат» дорилфунуни ёрдамга келди. 110 га яқин тиббиёт ходимлари бу дорилфунунда ўзбек тилини ўргандилар. Қўшимча равишда хоҳловчилар учун бирйўла инглиз ва араб тиллари ҳам ўргатилди. Бундан ташқари илмгоҳда барча йўналишлар бўйича ўзбек тилида иш юритишга ўтилди. Ҳужжатлар, касаллик варақалари ўзбекчалаштирилди. Илмий кенгашлар ўзбек тилида олиб борилмоқда. Олимларимиз тиббиёт соҳасида ўзбекча қўлланмалар ва дастурлар яратдилар...

Х. ШАФОАТОВ.

КИМ У ЖУН СОВҒАСИ

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ «ДЭУ» КОРПОРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҲИММАТИ

Вилоятимизнинг Юқоричирчиқ районидаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги аъзоларига 2350 дона рангли телевизор совға сифатида берилди. Қаердан, ким томонидан дейсизми?

Куни кеча ана шу хўжаликда бўлдим. Маданият уйи атрофи КамАЗлару одамлар билан гавжум. Ҳамманинг юзида табассум, шодлигини яширолмай бир-бирини табрикламоқдалар. Яқинроқ борсам ижтимоий масалалар бўйича раис муовини Мирзааҳмад Бекешев қўли-қўлига тегмай Жанубий Кореядан юборилган рангли телевизорларни бўлим, бригадаларга тарқатмоқда эди.

— Буни қаранг, 4 июлда «ДЭУ» корпорациясининг президенти доктор Ким У Жун рафиқаси билан хўжалигимизнинг азиз меҳмони бўлган эди,— дейди Мирзаҳмад ака,— хабарингиз бор, уларни иззат-икром билан «Син-Сен» корейс театр студияси ва «Жемчужина» халқ дастаси кутиб олиб, ўз санъатлари билан меҳмонларни хушнуд этишган эди. Бир пиёла чой устида Ким У Жун раҳбарларимиздан хўжаликда нечта хонадон бор, деб сўраганда, 2350 та деб жавоб беришган экан. Шунда «ДЭУ» корпорациясининг президенти 2350 та рангли телевизор мендан халқингизга совға бўлади, деб айтган экан. Айтилган сўз отилган ўқ, деганларидек совға етиб келди. «Находка» портидан халқимизнинг хонадонигача келгунча бўлган ҳаражат 2 миллион сўмга етди. Бу ҳаражатларни жамоа хўжалиги тўлади. Совға-совға бўлиб қолиши керак-да.





Масофадан бошқариш мосламали рангли телевизорлар Равшан Усмонов, Владимир Когай, Самад Умбетов, Николай Коцицин, Анора Айтбоева ва бошқаларнинг хонадонларида ишлай бошлади. Уларнинг ҳаммаси саъи-ҳаракат қилган киши, катта ҳиммат кўрсатган машҳур корпорация президенти Ким У Жундан бениҳоя хурсанд эдилар.

Даврон АҲМАД.

● СУРАТЛАРДА: совғалар улашилаётган пайт.

Муаллиф суратлари.



Тақдир эканда!

СТАЛИННИНГ ҚИЗИ ҚАЕРДА?

Би-Би-Сининг хабар беришига қараганда, Лондоннинг ғарбидаги «Карр гомм» ғарибхонасида 67 ёшга кирган Лана Питерс яшамоқда. Энди унинг юзларига ажин тушган, дунё ишларидан «қўл ювиб қултиғига урган» кўринади. Британия телерадиокорпорациясининг мухбири Владимир Чугунов, мен билан икки оғиз гаплашсангиз деб сўраганида, журналистлар билан муомала қилмайман деган-у, кескин бурилиб кетган...

Аслида бу аёлнинг исм-фамилияси Светлана Иосифовна Аллилуева, И. Сталиннинг севимли қизи. Юрагида лўли қони жўш уриб тургани учунми (унинг буваси лўли бўлган) ёки пешонасига кўргиликлар ёзилган эканми, замон довулларини ҳали Ҳиндистонга, ҳали Америкага, ҳали Англияга улоқтириб ташлади: Оилавий турмушда ҳам қўним топмади. Биринчи эридан кўрган ўғли, иккинчисидан туққан қизини ташлаб, 1963 йилда Сингхга турмушга чиқиб, ҳаю-ҳут деб Ҳиндистонга жўнаб кетди.

Чет элларда юриб отаси ҳақида иккита китоб ёзди. Унинг эвазига берилган 2 миллион доллар қалам ҳақига дурустгина уй-жой сотиб олди. Аммо «Еб ётганга тоғ чидамайди» деган гап бор. Тирикчилик важидан уй-жойини сотди. Мана энди, юқорида айтганимиздек, ғарибхонада муштипар бўлиб ўтирибди. У ҳеч кимни йўқламайди. Уни ҳам дараклаб келадиган одам йўқ ҳисоби. Сўнгги эридан Ольга деган қиз кўрган эди. У ҳам ҳозир олисда, америкаликка тегиб кетган.

Хуллас, шунақа гаплар. Улуғ Навоий «Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш» деб бекорга айтмаган.

(ЎзА).

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ

Қурилиш ва бошқа ташкилотларга

БОСМА ГУЛҚОҒОЗЛАРНИ ШАРТНОМАВИЙ НАРХЛАРДА СОТАДИ

Гулқоғозларнинг аслиятига қараб танлаш ва уни концерн қоғозидан тайёрлаб бериш имконияти мавжуд.

Концерн ўров ёрлиқлари ва босма иш қоғозларини тайёрлаб бера олади. Тайёрлаш муддатини истеъмолчи белгилайди, буюртмалар биржа баҳосидаги концерн қоғозидан бажариб берилади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-80-07, 33-84-78, 33-90-50.

Тошкент чинни заводи маъмурияти ва жамоат ташкилотлари завод директори муовини Бахтиёр Умарович Шамсутдиновга падари бузруквори

Шамсутдинхон ота ШОДМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ. КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

● Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида А—3 форматида босилади.

Буюртма — Г-264. Индекс: 64672. Тиражи 31650. Босишга топшириш вақти— 20.30. Босишга топширилди— 19.00

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12